



ИШОНАЧ

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг газетаси

• 1995 йил, 28 апрель • 17 (211)



Давр тараққиёт сари дадил одимламоқда. Барча соҳаларда компютерлар билан иш юритиш бекёс аҳамият каеб этмоқда. Иқтисодда ҳам самардорликка эришининг компютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу йўналишида иш олиб бораётган Тошкент темир йўллари инженерлари институти замонавий ўкув жиҳозлари билан таъмин этилиб, бўлгуси мутахассисларга жажжи техник жиҳозлар сирлари ўргатилимокда.

Суратда: институтнинг ҳисоблаш кафедраси доценти Тўланиддин Нурмуҳамедов навбатдаги машгулутини компютер техникасидан олиб бормокда.

Н. МУҲАММАДЖНОВ олган сурат.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

НАМАНГАН вилояти агросаноат уюшмаси билан вилоят агросаноат ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси 1995 йил чигит экши мавсумини уюшқоқлик билан ва қисқа муддатларда сифатли ўтказиш мақсадида хўжаликлар ўртасида меҳнат мусабакаси ташкил этиш учун учун қўшима қарор қабул қилди.

Мусобақа шартларига кўра чигит экши мавсумини қисқа муддатларда ниҳоясига етказган, ургуни сифатли ундириб олиб тўла гектарлар ҳосил қилган хўжаликлар учун пул мукофоти ва чигит экши илгорларига атаб сиҳатгоҳларга белуп йўлланмалар ажратилди. Май ойи ўргасида мусобақа якуни ёълон қилинди, илгорлар тақдирланади.

* * *

СУРХОНДАРЁ вилояти савдо, умумий овқатланиши, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг бошқа шакллари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Термиз кооператив билим юртининг талабаларини иқтисодий қўллаб-кувватлаш борасида янги ташабbuslar билан чиқмоқда. Утган йили ҳар семестр якуни кўрсат-

кичларига мувофиқ ўқиши ҳамда жамоат ишларида яхши кўрсаткичга эришган икки нафар талабага стипендия жорий қилган эди. Жорий йилда эса билим юртининг моддий жиҳатдан энг кам таъминланган ўкувчисига ҳар ойда юз сўм миқдорида моддий ёрдам беришга қарор қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоят касаба уюшмалари кенгаси ҳамда вилоят «Болалар» жамгармаси ҳам қўмита ташабbusiga қўшилганлар.

АНДИЖОН вилоятининг ҳар бир туман ва тармоқ касаба уюшмаларида «Бирлашма кунлари» ўтказила бошлади. Балиқчи туманида дастлабки «Бирлашма куни» бўлиб ўтди. Бирлашма раиси Ў. Охунов ва ҳукуқий бўлим мудири В. Азаренко балиқчиликларни ҳокимликда қабул қилди, талаб ва эҳтиёжларини ўрганишди. Бирлашманинг бошқа ходимлари ҳам бошлангич ташкилотлари касабақўм фаоллари билан учрашди.

— Соғлиқни сақлаш ва дэҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси туман қўмиталари ибратли ишлаётганинг гувоҳи бўлдик, — дейди бирлашма раиси мувонии Ш. Икромов. — Очигини айтсан, дастлаб Балиқчи туманини ўрганиб адашмабиз. Туманда урнак олса буладиган ишлар талайгина экан.

Бундай «Бирлашма кунлари» барча туманлар ҳокимликлари ва тармоқ қўмиталари билан ҳамкорликда ўтказилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда республика таъдим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси касаба уюшмаларининг XV қурултойида қўйилган вазифаларни изчилик билан ҳаётта тадбиқ этишида қатор тадбирларни белгилаб, жойларда амалга ошироқда.

— Касаба уюшма фаоллигини Тошкентта таклиф қилишдан кўра, вилоятларга бориб улар билан бевосита меҳнат жамоаларида булиши, талабаларни ижтимоий муҳофазалашни йўлга қўйишнинг бо-

МУАММОЛАР ЖОЙЛАРДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

— дейди тармоқ Марказий Кўмитаси раиси ўринбосари А. Султонов. — Шу пайтгача 8 вилоятда бўлдик. Мана, Хоразм вилоятида сафаримиз тугаяти.

Таълим ходимлари ҳар галгидек бу срда ҳам бевосита меҳнат жамоаларида булиши, талабаларни ижтимоий муҳофazalashni йўлга қўйишнинг бо-

риши билан танишилар, зарур жойларда амалий ёрдам кўрсатилди. Хива, Ҳонқа, Янгиарқ туманларида Урганч давлат университетида, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида очилиши мулжалланган санаторий-профилакторийсидаги учрашувлар самарали бўлди. Тармоқ ходимлари олдида турган муаммоларни ҳал этиши юзасидан

вилоят, туманлар ҳокимликларида бўлган сұхбат чогида ислоҳотларнинг туб мақсадларини бевосита бошлангич ташкилотларда тарғиб қилиш, мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этишига ёътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Урганч шаҳрида ҳалқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят фаоллари йи-

ғилишида ҳам шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда тармоқ Марказий Кўмитаси раиси И. Абдуғаниев вилоят ҳокимлигининг масъул ходими П. Қаландаров, вилоят касаба уюшмаси кенгаси раисининг ўринбосари А. Болтаев ва вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Абдураҳмонова қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Шихазар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдустлиги давлатлари бошликлари фашизм устидан қозонилган Буюк Галабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилдилар ва уларни келажак авлодларни уруш даҳшатлари ва кулфатларидан ҳалос қилиш учун барча куч ва иродани бирлаштиришга даъват этдилар.

• УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Ротшильд Энд Санс ЛТД» банки раиси Сэр Эвслин де Ротшильдни қабул қилди. Ислом Каримов Узбекистон билан ушбу йирик банк ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Сэр Эвслин де Ротшильд самимий қабул ва меҳмондустлик учун миннатдорчилик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган банк катта иқтисодий имкониятлар ва табиий бойликларга эга Узбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

• Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва Муҳтор элчиси Стэнли Эскудерони Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов унинг илтимосига биноан қабул қилиди.

Сұхбат чогида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфзисликни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги вазиятни тинч музокаралар орқали ҳал этиши билан bogliq масалалар муҳокама қилинди.

• ҚОЗОГИСТОН Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Узбекистон Республикаси Бош вазирлари кенгашининг Бишкеқда мажлиси булиб ўтди. Унда шу давлатлар ўртасида 2000 йилгача иқтисодий интеграция дастури кўриб чиқилди ва тегишили ҳарор қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларни Қозогистон Республикаси Бош вазiri A. Кажегелдин, Қирғизистон Республикаси Бош вазiri A. Жумагулов, Узбекистон Республикаси Бош вазiri A. Муталов имзоладилар.

• РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмунинг мажлиси булиб ўтди. Мажлисни республика Бош вазiri A. Муталов бошқарди.

Мажлиса иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатта қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришда, «Корхона-маҳалла» тамойилини амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари билан тармоқ ҳўжалик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

• УЗБЕКИСТОН Республикаси Валюта биржасида булиб ўтган савдода бир АҚШ долларининг қиймати — 26 сўм 20 тийин даражасида қайд этилди. Махсус пул алмаштириш пунктларида 1 АҚШ долларини сотиб олиш қиймати — 26 сўм 20 тийин, сотиш қиймати ҳам 26 сўм 20 тийин қилиб белгиланди. Хорижий валютани сотиш чогида сўм билан восита ҳақи олинади.

МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАБ

Андижонда Узбекистон касаба уюшмаларининг 70 йиллигига бағишилаб қишлоқ спортчиликнинг катта байрам мусобақалари ўтказилди. Вилоят дехқончилик саноати мажмум ходимлари касаба уюшмаси «Пахтакор» кунтили спорт жамияти ташаббускорлигида утган бу мусобақалар учун туман ҳокимликларининг совини таъсис этилди. Дастилб Андижон туманида шашка бўйича, Марҳамат туманида волейбол бўйича эркаклар уртасидаги мусобақалар кутилгандан яхши натижада берди. Марҳаматдаги мусобақаларда юздан зиёд қишлоқ спортчилар иштирок этдилар. Финал мусобақаларда марҳаматликлар 3:0 ҳисобида андижонликлар устидан галаба қозонишиди.

Гулистоңда «Сирдаре» вилояти меҳнаткашларининг оммавий ташкилоти—32 ёнда деб номланган китоб нашр этилди. Китоб Узбекистон касаба уюшмаларининг 70 йиллигига бағишилантан булиб, рақамлар ва қисқа сатрларда Сирдаре вилояти касаба уюшмаларининг дунёга келиши ҳақида ҳикоя қиласди. 1000 нусхада чоп этилган китобни касаба уюшмаларни вилоят қенгашининг ташкилий ишлар булими нашрга тайерлаган.

«Ишонч» мухбирлари.

ВИЛОЯТДА ИЛК БОР

Навоий шаҳаридаги Амир Темур тавалудининг 660 йиллигига бағишилантан илмий амалий конференция булиб утди. Конференцияда Навоий вилояти вакили Х. Гафуров, Бухоро Давлат Университети үқитувчиси, тарих фанлари доктори профессор С. Иноятов, Самарқанд Давлат Университети профессори С. Мирзасев, Навоий шаҳридаги узбек-турк лицей директори Р. Охун, вилоят педагогика олийгоҳи ректори Р. Раҳмонов, Амир Темур жамғармаси Бухоро бўлиммининг раиси Ф. Косимовлар маъруза қиласди.

Илмий-назарий конференцияни Узбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси С. Шермуҳамедов олиб борди.

Р. Худойқулов.
«Ишонч» мухбири.

ВОДИЙ БЎЙЛАБ САЁХАТ

Галлаорол туман босмахонаси жамоаси Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қиласди. Улар турт кун мобайнинда водийнинг диққатта сазовор жойларини бориб кўрдилар, қадамжоларни зиёрат қиласди, унинг гузал гушаларида дам олдилар.

Босмахона маъмурини ва бошлангич касаба уюшма ташкилоти саёҳат олдидан ишчиларга ойлик маошлари миқдорида пул мукофотлари берди ҳамда автобус хизматининг белуп булишини таъминлади.

«Ишонч» мухбири.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА
УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош мұхаррир
Сайдакром
САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АҚРОМОВ
(бош мұхаррир ўрипбосари),
Рустам АБДУРАЗОҚОВ,
Абдуманап АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғын НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Мұхаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Мұхәмәт ТҮЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тұлғын ҚОЗОҚБОЕВ.



• Бош мұхаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош мұхаррир ўрипбосари — 56-52-89

• Масъул котиб — 56-52-78
БҮЛІМЛАР
• Касаба уюшмалари ва мұхбирлар билан ишлери — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, матнавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чықарни ва хұжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МҰХБИРЛАРИМIZ
НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистоңда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-41-99
Намангаңда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 24-48-53
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

Мұхаррирлардың көлтегерінде қылыштар (2 оралиқда 5 бетдан ошасынан лозим) ва сураттар мұаллифларға қайтарылмайды, фойдаланылмаган хатларға жағоб юборылмайды. Таҳрирлардың воситачылық қылмайды. Мақалалардаги ҳамда реклама ва ызлонлардаги фикр-мұлоҳазалар, көлтирилген факт ва рақамлар масъулити мұаллифлар ҳамда реклама ва ызлон берувчилар зинмасынан дарад.

• Газета 1991 йил 21 марта 1991 йил 21 марта 1991 йил 21 марта



• СОТУВДА әркін нархда.
• Жума күнлери чиқады.
• Босинга тоңнурин вақти 19.00. Тоңнурлар — 19.00

• Наебатчи масъул:
Замира ТҮЛАГАНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тоңкент шаҳри,
«Правда Востока» күчаси,
24-үй.

• Нашр күрсаткичи:
64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Матбуот Даъват қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилиди ва саҳифаланды. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбай концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» күчаси, 41-үй.
• Буюртма Г-0169
1 2 3 4 5 6

Баҳоси 13 франздан 38 франзгага арzonлаштирилган

Kamalak-TV

эфир кабель телевидениесининг

8 та энг яхши:

- 1. Pr. Sports — спорт
- 2. ТВ «Останкино»
- 3. ТВ — 6 Москва 4.
- Россия телевидениеи 5. [V] — мусиқавий
- 6. BBC (Би-Би-Си) янгилеклари
- 7. Star Plus — кўнгил очар кўрсатувлар
- 8. Cine Plus — фильмлардан иборат

ТВ каналари Доимо Сизнинг Чўйинизда бўлади.

Дастурларниң кичик ҳаҷми — 1, 2, 3, 4, 5.

Дастурларниң котта ҳаҷми — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.

Маълум ҳаҷми — тарзга, шунингдек, VISA кредит дафтараси

билинг ҳам мумкин.

Баҳниң тўлжалашмаси: «Бошногтманий» ва «Якни телемикори».

Телефонлар: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90. Факс: 34-01-11

UZINTOUR

РАТА ВА АСТА АЪЗОСИ
ЖАҲОН ГҮЁ КАФТИМИЗДА

Хордик чиқаришингиз — биздан бошланади.

Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли, 115
«Саёҳат» мөхмонаси орқасида

Телефонлар: Виза ва сафар ҳужжатларини расмийлаштириш булими: 67-53-87.

Чет эл туризми булими: 68-68-20.

Ички ва МДХ туризми булими: 68-68-26. Факс (3712) 67-45-63.

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Наманган машинасозлик корхонаси ҳалқ ҳўжалиги учун асқотадиган, турмуш маданияти юксалишига, аёллар меҳнати осонлашувига кўмаклашадиган, фарзандлар қувончига-кувонч қўшадиган қўйидаги маҳсулотларни сотиб олишни таклиф этади:

1. Нефть қазиб олишда, нефть, водопровод, иситиш ва газ тармоқлари ўтказишида, ёғ ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланишга мўлжалланган 80, 100, 150, 250, 300 миллиметрли босимдаги қувурларга мос задвижкалар.

2. Бор ва томорқа аравачалари, чўян печлар, газ горелкалари, болаларнинг уч филдиракли велосипедчалари, тикув ва кир ювиш машиналари, соатига 200 килограммгача буғдойни унга айлантиришга қодир электр тегирмонлар.



Кўшимча маълумотлар олиш учун манзилимизни маълум қиласди:

Наманган шаҳар,

Амир Темур кучаси 99-үй

Телефонимиз: 8-(36922), 6-34-91.